
ТУМАН ҲОКИМИ УРУШ ФАХРИЙЛАРИГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ВА ПУЛ МУКОФОТИНИ ТОПШИРДИ.

9 май-Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Данғара тумани ҳокими Ш.Тожихакимов, сектор раҳбарлари ҳамда мутасадди ташкилотлар билан биргаликда, Данғара тумани Телиминг МФЙ Билим кўчасида яшаётган иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Холиқов Тўхтамели ота хонадонларига ташриф буюрдилар.

Туман ҳокими Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 9 май Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан йўллаган шахсий табрикномасини ўқиб эшиттирди. Уруш қаҳрамони Тўхтамели отага пул мукофотлари эсдалик совғалари топширилди.

Шундай тинч, тўкин кунларни кўриш насиб этганидан ҳар тонг шукрона айтаман. Ёшларга ҳам бундай кунларнинг қадрига етишни кўп тайинлайман. Бугун менга кўрсатилган иззат-икром ҳам аслида тинчлигимиз ва тўкин турмушимиз меvasидир. Мамлакатимиз осуда, юртимиз янада обод бўлаверсин. Кейинги йилларда Ватанимизда бошланган улўғ ишларни ёмон кўзлардан яратганнинг ўзи асрасин дейди Тўхтамели ота дуо қилиб.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-05-06 08:31:24